

ТУРКИСТОНДА ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мансуров Улуғбек Жумаевич

*Шафор Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти.*

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистонда жадид мактабларининг вужудга келиши, ўзига ҳос хусусиятлари, ривожланиш жараёнлари ва унда жадид маърифатпарварларининг ўрни, жадидлар таълимотида маърифатли жамият концепциясини амалга оширишдаги аҳамияти ҳамда замонавий таълим ва мактаблар ривожланишининг фундаментал асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жадидчилик таълимоти, «Усули савтия», «Раҳабари муаллимин», педагогика, маориф, маърифатли жамият.

XIX аср охири XX аср бошларидан этиборан маҳаллий аҳоли ўртасида Ғарб тилларига, хусусан, рус тилига бўлган эҳтиёжни кучайтириб юборди. «Усули савтия» методига асосланган, замон талабларига жавоб берадиган жадид мактаблари ҳамда рус-тузем мактаблари ўлканинг катта-кичик шаҳарларидагина емас, шу жумладан, йирикроқ кишлоқларида ҳам очила бошлаган. У.Долимов ёзишича: «Замон талабларини яхши тушунган илғор фикрли кишилар ўз фарзандларини бундай мактабларга бера бошладилар»¹². Шу жиҳатдан олиб қараганда, Туркистон жадидлари маърифатли жамият концепциясини амалда тадбиқ қилиш мақсадида бир қатор жадид мактабларини очишни режалаштирган. Шу боисдан, жадид мактабларининг оммавий тус олишига асосий сабаб И.Гаспирали томонидан 1883 йилдан бошлаб нашр етила бошланган «Ғаржимон» газетаси бўлган. Қолаверса, Исмоилбек Гаспирали ўзи ташкил етган мактаб учун бир қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ҳам ишлаб чиққанлигини таъкидлаш зарур. Унинг янги усулдаги мактаб ҳаётига бағишланган асарлари «Хужаи Субёна», «Қирсати турки», «Раҳабари муаллимин» каби дарслик ва ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир.

Жадидчининг ушбу асарлари ўқув жараёнини ташкил этиш, дарсликларга қўйиладиган талаблар, мусулмон ўқув адабиётида қўлланиладиган дидактик ва методик кўрсатмалар билан жадид мактаблари тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Зеро, у бошқа туркий халқлар қатори ўзбек

¹² Долимов У. Жадидлар. Исҳоқхон тўра Ибрат. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2022. – Б. 20

миллатидаги ижтимоий фикрлар тараққиёти, ва шу жумладан, ҳақиқий ватанпарвар ўзбек зиёлилари, педагогларининг камол топишида ҳам ўчмас из қолдириши эътирофга лойиқдир. У 1893 йилда Бухоро хони Абдулахадга Туркистонда янги усул мактабини очилишга ёрдам бериш учун мурожаат этади. Аммо унинг таклифи дастлаб инкор этилади. Шундан сўнг Гаспирали ўз мақсадига еришиш учун қозон татар зиёлиларидан мадад сўраганлиги ва 1897 йилга бориб унга Туркистон ўлкасида янги усулдаги мактаб очишга рухсат этилган.

Жадид мактабларини йўлга қўйиш учун Усмонхўжа Бокчасаройга, Ҳамидхўжа Истанбулга, бошқалар Орберург ва Қозон шаҳарларига бориб келишади ва мактаблар очишганлиги таҳсинга лойиқдир. С.Айний ўзининг эсдаликларида Бухородаги Мулла Вафо мактаби, Маркаш мактаби, Мукаммалиддин маҳзум мактаби, Мирзо Исмоил укасининг мактаби, шаҳид Ислонкул Тўксабо мактаби сингари ўнлаб мактабларни еслаб ўтган. Унинг есталикларидан маълум бўладикки, жадидлар янги мактаб очиш билан баробар, нашриёт тарқатиш ишларини ҳам йўлга қўйишни мақсад қилганлар. Газета ва журналлар нашр этиш, тарқатиш ва кутубхонага ўхшаш китоблар билан афкор оммани баҳраманд этишни ҳам ўйлайдилар. Бундай ишларнинг ишларнинг маъноси ёшларни истиқболга умидвор қилмоқ еди. С.Айний ёзишича: «Янги мактабларни ёпиш пайтларида мулла Қамарга карата Усмонхўжа шундай деган: Муаллимлик қилишимиз очликдан ёки мансабга йетиша олмасликдан емас, балки халққа ва юртимизнинг болаларига фойда етказамиз, деб бунча машаққатларни бошимизга юкладик, тутган муқаддас маслағимизни дунё мансабига сотмаймиз»¹³.

Туркистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда жаҳон халқларидан ортада қолаётганлигини XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган илғор фикрли зиёлилар ўз вақтида англаб етган эдилар. Улар бу қоқоқлик исканжасидан қутилишнинг ягона йўли деб илм-маърифатни танладилар. Ушбу даврда ижод этган шоир Зокиржон Фурқат илм-фаннинг тараққиёт учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини англаган ҳолда қуйидаги байтни битган эди:

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,

Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Илм тараққиётнинг негизи эканлигини англаб етган илғор зиёлилар аввало қоқоқликдан қутилишнинг асосий шарти деб, маърифатни танладилар. Шу мақсад йўлида XIX асрнинг сўнгги чорагида Водийда дастлабки янги усул мактаблари очилган. Шунга кўра, «Фарғона ўқув

¹³ Айний С. Асарлар: 8 томлик. I том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – Б. 251.

юртлари инспекторининг Туркистон ўқув юртлари бош инспекторига 1909 йил 6 декабрда йўллаган янги усул мактаби ҳақидаги маълумотномасида кўрсатилишича, Водийдаги дастлабки янги усул мактаблари Қўқон уездида Аҳмаджон қори томонидан 1892 йилда очилган»¹⁴. Марифатпарвар жадиждчиларнинг асосий мақсади дунёвий фанларни она тилида ўқитишни назарда тутган янги усул мактабларини кўшлаб очиб, феодализм давридаги маориф тизимини ислоҳ қилиш бўлган. Туркистон мактаблари қандай бўлиши керак, улар қайси йўналишда ривожланиши зарур, қаби муаммолар ўз даври муаллифларининг диққат марказида бўлди.

Туркистон ўлкасида жадижд мактабларини куриш ва уни жамият учун фойдаси нақадар улкан эканлигини тушунтиришда зиёлиларни ўрни катта бўлганлигини айтиш зарур. Хусусан, Туркистон ўлкасида ашаддий миллий озодлик ҳаракатининг тарғиботчиси Мунаввар Қори Абдурашидхоновни алоҳида келтириш лозим. 1878 йилда Тошкентда мударрис оиласида дунёга келган Мунаввар Қори аввалига Тошкентдаги «Юнусхон» ва кейинчалик Бухородаги олий мадрасада таҳсил олиб, Исмоилбек Гаспирали таъсири остида янги усул мактаблари барпо қилиш йўлида иш бошлаган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у XIX асрнинг 90-йилларида Исмоилбек Гаспирали томонидан Қримда жорий қилинган «усули жадижд» - усули савтия (товуш усули)га асосланган жадижд мактаби очишга бел боғлаган. Аммо бунга чор маъмурияти, рус зиёлилари миссеионерлари, маҳаллий мусулмон мутаассиблари қаршилиқ қилган.

Марифатли жамият концепциясини халқ орасида кенг жорий қилиш мақсадида, яъни маърифат тарқатишнинг бир воситаси сифатида мактаб таълимини йўлга қўйишганлигини алоҳида келтириш зарур. Хусусан, мактаб таълимини амалий жиҳатдан тадбиқ қилишда Бехбудийнинг ўрни бекиёсдир. Бехбудий ҳам жадиждчилик ҳаракатининг тамал тоши бўлган ислоҳатига қаттиқ киришди. Унинг ташаббуси ва ғайрати билан 1903-йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С.Сиддиқий), Ражабамин (А.Шақурий) қишлоқларида янги мактаблар ташкил қилинган.

Жадиждлар ўзларининг сиёсий қарашлари жиҳатидан 1917-йилги Октябр инқилобидан сўнг икки тарафга бўлиниб кетишади. Бир тоифа жадиждлар (Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Эсон Мусаев, Шорасул Зуннун ва бошқалар) ўз ғояларида қатъий туришган бўлса, бошқа бир тоифа жадиждлар эса (масалан А.Авлоний) кейинчалик пролетар инқилоби тарафдорлари сафига қўшилиб кетади.

¹⁴ ЎзРМДА, И-47 фонд, 1-рўйхат, 1004-иш, 95-варақнинг орқа томони.

XX асрнинг бошларида ўзбек педагогикаси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган педагогларимиздан бири Абдулла Авлонийнинг педагогик карашлари турли хил ғоялар ўртасида курашлар билан ўтган.

Дастлабки жадиличлик оқимининг кўзга кўринган намоёндаларидан ҳисобланган А.Авлоний ўзбек педагогикасида муҳим ўрин егаллайди. Хусусан, у 1906 йилдаёқ Миробид маҳалласида янги усулдаги мактаб очганлигини таъкидлаш лозим. «А.Авлонийнинг асарини чуқур ўрганар эканмиз, биз ўша даврда мактабларда ўқувчиларга дарс беришда умуминсоний ва диний кадриятлари, халқ оғзаки ижоди, Қуръон оятлари, ҳадислар шунингдек, буюк алломаларимизнинг ҳикматли сўзларидан имкон қадар кенг фойдаланганликларини кўраемиз. Шунингдек, «Фарзанд комиллиги, унинг тарбияси, соғломлиги, миллий кадриятларга, Ватанига бўлган муҳаббати каби масалалар кўтарилганда, мутафаккирнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур» – деган маъноли фикрлари нақадар ҳақиқат эканлигини англаймиз»¹⁵.

Дарҳақиқат, А.Авлоний ҳам ўша даврий фаолият кўрсатган бошқа зиёлилар қатори ташкил қилган мактаблари учун дарсликлар ҳам ёзганлигини келтириш мумкин. А.Авлоний ўз замондошлари орасида педагогика фанини биринчи бўлиб тилга олган ва ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асирида педагогика «Педагогия» – бола тарбиясининг фани демакдир, деб тўғри таъриф бера олган буюк педагог ҳамдир. Шу жиҳатдан ҳам уни ўзбек педагогикаси тараққиётини юқори босқичга кўтарган олимлар қаторига киритса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жаид намоёндаларининг ўлкамиз ҳудудида жаид мактабларини очиши ўз даврида ва бугунги кунда муҳим бўлган маърифатли жамият ғояларини амалга оширишда ҳамда замонавий таълим ва мактабларнинг ривожланишида фундаментал асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Долимов У. Жаидлар. Исҳоқхон тўра Иброт. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2022. – Б. 20.
2. Айний С. Асарлар: 8 томлик. I том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – Б. 251.

¹⁵ Жумабоев Н. П. Шарқ мутафаккирларининг таълимий тарбиявий илмий меросини ўрганишнинг зарурияти // “UzBridge” электрон журнали. 2022. – Б. 93.



3. ЎзРМДА, И-47 фонд, 1-рўйхат, 1004-иш, 95-варақнинг орқа томони.
4. Абдурашидхонов М. Бизни жаҳолат - жаҳли мураккаб // Танланган асарлар. - Тошкент, 2003. - Б. 143-144.
5. Жумабоев Н. Шарқ мутафаккирларининг таълимий тарбиявий илмий меросини ўрганишнинг зарурияти // "UzBridge" электрон журнали. 2022. - Б. 93.